




ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 140 (9.484) 2000 йил 27 ноябрь, душанба Сотувда эркин нархда

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



БЕТАКРОР КЎРИНИШИ БИЛАН МАФТУН ЭТАДИ

Шаҳримиздаги ҳар бир қурилаётган иншоотлар унинг кўрғига кўрк қўйиши билан бирга мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзига хос ўрин эгаллайди. Яқин кунларда қурилиши якунланиб ишга тушиши мўлжалланаётган, пойтахтимизнинг Абай кўчасидан Олмазор кўчасигача бўлган қиринишнинг қурилиши ҳам яна бир қувончли ҳолдир.

квадрат метрни ташкил этади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, у жаҳон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги замонавий савдо мажмуи бўлиб, унда аҳоли учун сифатли уй жиҳозлари ёки бошқа керакли маҳсулотларнинг ҳамма тури мўъайё бўлиши мўмкин. Шунингдек, кўркам ва чиройли, икки қаватли қурилаётган мазкур савдо мажмуи ўзининг бетакрор меъморий кўриниши билан бошқа савдо мажмуаларидан фарқ қилади. Буларнинг барчаси аҳолига қулайлик яратиш ва оғирини енгиллаштиришдан иборат бўлиб, мазкур мажмуанинг олд томонида кичик фаворалар, дам олиш учун алоҳида ўтиргичлар ҳамда машиналар тўхташ жойларининг ҳам

борлиги бинонинг кўрғига кўрк қўшади. Ушбу муҳташам бинонининг қурилишига назар солар экансиз, қурувчилар Конституциямиз қабул қилинган куннинг 8 йиллиги арафасида ўзларига топширган ишларни сидқидилдан бажаришга ётганликларининг гувоҳи бўласиз. Айниқса шаҳримиздаги 12 ва 159-қурилиш трестларининг ишчилари топширилган ўз вақтида ва сифатли қилиб бажармоқдалар. Шу билан бирга катта мажмуага керакли қурилиш материалларини темир-бетон ва бошқа шу каби заводлар ўз вақтида етказиб бериб турибди.

моқда, — деди 8-қурилиш бошқармаси иш бошқарувчиси Олим Айтибаев. — Албатта, қурувчиларимизнинг қайси бири устачилик, яна бири сувқоқчилик ёки монтаж ишларини бажармасин, барибир улар шу бино бунёдкорларидир. Биз она шаҳримизнинг янада чирой очилиши учун хизмат қилмоқдамиз ва бу билан фахрланамиз.

Қурилиш

Очил ҲАЗРАТОВ.
СУРАТЛАРДА: (чапдан) бригадир ёрдмчиси Раҳматулла Низомиддинов гишт терувчи уста Ҳамроқул Раваҳон билан кейинги иш режаси билан танишмоқда; қурилаётган савдо мажмуининг бир қисми.
Сергей Любич олган суратлар.

ДАВР САДОСИ БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА
• «Камолитдин Бехзод ва Шарқ мини-атюраси санъати» халқаро илмий анжумани қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Ўзбекистон заминидан Шарқ мини-атюраси санъатининг бе-назир намоёнчаси, буюк мусаввир Камолитдин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги тантаналарида қатнашиш бахтига муяссар бўлганликларидан бағоят мамнун эканликларини изҳор этиб самимий мактуб йўллашди.

навият сабоқлари» мавзусида тadbир уюштирилди.
• **Эртага** «Зарафшон» концерт залида «Биллур кўйлақлар» модалар фестивали бўлиб ўтади.
• **Бугун** Абдор Хидоятнов номли ўзбек Давлат драма театрида саҳна санъатининг буюқ арбоби Олим Ҳўжаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.
• **Ўзбекфильм** фаолиятига бағишлаб тadbир ўтказилди. Унда киностудиянинг тарихи, келгуси режалари ҳақида гап борди.

ЖАҲОНДА

• «Ким голиб бўлади?». Бугун кўпчиликини қизиқтираётган бу савол ҳали-вери ҳал бўлмаган кўринмайди. Чунки Флорида штати олий суди президент сайловига қатнашган флоридалик сайловчиларнинг овозини қўлда санаб чиқиш тadbирини қонуний деб топди. Бу эса сайлов натижаси эълон қилиниши яна орқага суришдан далолатдир. Маълумотларга қараганда, сайлов натижаларини мамлакат Олий суди аниқлаб беради. Ҳозирча норасмий ҳисоб-китобларга кўра, Жорж Буш Альберт Гордан устун келиб турибди.
• Яқин Шарқда Исроил билан Фаластин ўртасидаги муносабатлар ҳамон таҳликаланиб келмоқда. Хабарларга қараганда қарийб икки ойдан буён давом этаятган зиддиятлар сабаб 250 дан зиёд киши қурбон бўлган, жароҳатланганлар сонини эса ундан ҳам кўплиги айтилмоқда.
• **Кеча** Мўғулистонда Мўғулистон Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 76 йиллиги ва мамлакатда биринчи Конституция қабул қилинган кун нишонланди.
• **Кеча** Руминияда Президентлик ва парламент сайловлари бўлиб ўтди. Социологларнинг маълумотларига кўра, президентликка 12 номзодлар орасида социал-демократлар партияси етакчиси И. Илиескунинг натижалари анча яхши. У 1990-1996 йилларда Руминия Президентлиги бўлган эди. Мамлакатнинг ҳозирги раҳбари И. Константеску бу йилги сайловларда ўз номзодини қўймади.
• **Бугун** Канадада федерал сайловларга овоз бериш бошланди.
• Украинанинг собиқ бош вазири Павел Лазаренконинг иши АКШ судида қурилади-ган бўлди. Украина Бош прокурори Михаил Потебенко АКШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шундай қарорга келганини маълум қилди.
• Утган шанба кунини Бокуда содир бўлган эр силкиниси оқибатида ун киши оламдан кўз юмди, 130 дан ортик киши эса жароҳатланди. Сейсмологларнинг хабарларига қараганда, Рихтер ўлчови бўйича зилзиLANинг кучи 7 баллга етган. Кеча ҳам бир неча бор 3-4 куч билан эр силкиниси қайт этилган.
• **Бугун** Тбилисиде визалар бўйича белги-ланган тарифлар юзасидан Грузия — Россия маслаҳатлашуви бўлиб ўтди.
• Чемпионлар лигасида «Спартак» — «Арсенал» учрашувидан сўнг москвалик мухлис-лардан 20 нафари тартиббузарликлари учун ҳибсга олинди, 4 киши эса жароҳат олиб касалхонага ётқизилди.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик ташаббуси билан Марказий За-битлар саройида давлат ва жамоат ташкилотлари ва-киллари ҳамда журналистлар иштирокида ёшларнинг ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбияси, 2001 йилдаги ҳамкорлик ва Ўзбекистон Республикаси Кур-ролли Қучларининг 9 йиллигига тайёргарлик масала-лари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ҳарбий таълим фанига ўзгаришлар киритган ҳолда дарс соатларини кўпайтиришни, ўқувчиларнинг ҳарбий сирлардан воқиф бўлишлари учун мактабларга яқин жойлаш-ган ҳарбий қисмлар билан уларни бириктириш ва кўрғазма қуроолларини ян-гидан чоп этиш, Қуролли Қучлар тўғрисида бадиий фильмлар яратиш каби бир қатор масалалар тўғрисида батафсил тўхта-либ ўтдилар. Шунингдек Ўзбекистон Қуролли Қуч-ларининг 9 йиллиги олдидан тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам келишиб олинди.

Анжуманлар

ҳазалари, тақлифлари билан ўртоқлашдилар. Жумладан, турли ҳарбий ватанпарварлик руҳида ёзилган шеър ва кўшиқларнинг камлигини, бу йўналишдаги мусобақаларнинг тез-тез ўтказиб турили-шини, мактаб ва хунар би-лим юртиларидаги бошланғич

Шаҳар хўжалиги мавзусида

келтириш мумкин, шунда ҳам у ўз эс-хушини йиғиштириб олмас охи-роқибатда мажбурий тарзда маошидан ушлаб қолиш керак бўлади. Ахир ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўла-ди-да.
Яқинда «Оқшом» газетаси ўзини-чи бошқариш органиларини аҳоли томонидан уй-жой-коммунал хизмат-лари ҳақида тўлалигича тўлашни таъ-минлаш учун рағбатлантиришнинг тартиб-қоидаларни тўғрисида ёзган эди. Бугун биз ана шу мавзуга қай-нак уй-жой хўжалиги тармоқлари фа-олиятининг ўзгариши билан боғлиқ масалаларни тушуна бўлади. Бу бо-рада маҳаллалар фаолиятига бари-бир таш бериш зарур. Охи-роқибатда олиб қараганда уларнинг бундай савий-харакатлари ўзларининг манфа-атларига қаратилган. Далиллар ҳам ўз-ўзидан далолат бериб тури-бди. Шаҳримиздаги маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга уй-жой-коммунал хизматларини вақтида тўлашдан ажратилган маблағлар эва-

Тошкент шаҳар ҳокимлигида МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

Ҳар қандай жамятининг ҳаракатлантирувчи кучи унинг миллий ўзлиги, истикболини белгилаб беришига боғлиқдир. Бинобарин, халқимиз-ни озод ва обод юрт барпо этишдек улкан мақсад сари бошловчи миллий истиклол госяни шакллантириш борасида яна бир муҳим қадам ташланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги маънавий-маърифий мавзуда билдирган фикрлари асосида «Миллий истиклол госяси: асосий тушуна ва тамойиллар» рисоласи тайёрланиб, чоп этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт Маънавият ва маърифат Кенгашининг ушбу янги рисолати тарғиб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгашининг аъзолари, сиёсий партиялар, олий ўқув юртилари, ўрта махсус ва халқ таълими тизими, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» жамғармалари ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчилари рисолатнинг юртимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги аҳамияти хусусида тўхталиб ўтишди.
— Шунингдек керакки, — деди тadbирни очар экан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихсатилла Ақромов, — ушбу рисола авваламбор маънавий-маърифий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлса, иккинчидан мамлакатимизнинг маънавий, мафкуравий ҳаётидаги жиддий ўзгаришларнинг янги босқичини бошлаб беради. Рисолада келажакда буюк давлат қуришининг аниқ ва равшан, пухта илмий-назарий асослари, маънавий-маърифий тар-раққийтимиз тамойиллари, ёш авлоднинг юксак миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялашнинг уларда Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришнинг асосий масалалари баён этилган. Бу рисола кишиларда янги дунёқарашни шакллантиради. Айниқ-са ёшларимизда мустақам ирода, аждодларимиз ме-ро-си, урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни қадрлаш, ота-онага эҳтиром туйғуларини тарбияловчи рисола озод ва обод келажак сари одимлаётган халқимиз учун ажой-ий дастуруламал бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг масъул котиби Аслиддин Болиев сўзга чиқиб, йиғилганлар эътиборини рисола бобларида баён қилинган энг муҳим фикрлар мазмун-моҳиятига қаратди. У рисолатни дарслик шаклида тайёрлаб, ҳар бир бандини кишилар онгига етиб борадиган даражада тушунтириш, асосий моҳиятини ҳаётий мисоллар билан очиб бериш лозимлиги тўғриси-да тўхталиб, унда баён этилган фикрлардан келиб чиқ-қан ҳолда ёшлар онгига, қалбига улғу ва бунёдкор гоғлар-ни сингдиришимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Педагоглар номидан сўзга чиққан тажрибали мураб-бий Мукаррам Мўйдинова аниқ гоғларга таянмасдан ту-риб, ойдин келажакни қуриб бўлмаслиги, бинобарин, мил-лий истиклол госясини, мафкурасини сингдиришни оила, бешикдан бошлаб тўри бўлиши, сўнг мактабга тарбия муассасалари, мактабда тизим шаклида тadbир этиш ло-зимлиги тўғрисидаги фикрларини билдирди. Бунинг учун авваламбор рисолатдан ўрин олган фикр, гоғларни му-раббийларга сингдириш жоизлиги ва бу борада ҳозир-нинг ўзидаёқ дастлабки қадам қўйилгани — Тошкент ша-ҳар ўқитувчилар малякисини ошириш институтида бир неча соатлик ўқув дастури, махсус дарслар ва семинар-лар киритилгани айнан мақсадга мувофиқ иш бўлганлиги тўғрисида маълумот берди.

Тошкент шаҳар бош омиби Хатиба Анвар Қурси-нов, Тошкент Давлат техника университети талабаси Дил-шод Мирзақулловлар ёшлар онги билан бирга улар руҳи-ятига ҳам илғор гоғлар билан таъсир қилиш лозимлиги, рисолада баён этилган бебаҳо фикрлар ўшлар учун дав-стуруламал бўлиб, у вақт ўтиши билан янги аънава ва тамойиллар билан бойиған ҳолда халқни олға етаклаб бораверишини айтиб ўтишди.

Йиғилиш сўнггида рисолатни кенг халқ оmmasига тар-ғиб қилиш борасида шаҳар маънавият-маърифат кенга-шининг дастури қабул қилинди.

• **Бугун** «Ўзқўргазмасавдо» кўрғазмалар залида «Мебель-2000» халқаро савдо кўрғазмаси ўз иштини бошлади.
• Тошкент Давлат юридик институтида «Миллий истиклол госяси: асосий тушуналар ва тамойиллар» рисоласини талаба ёшлар орасида тарғиб этишининг долзарб му-аммоларига бағишланган илмий-амалий ан-жуман ўтказилди.
• Ўзбекистон қасаба уюшмалари феде-рацияси кенгашининг катта залида Ўзбеки-стон таълим ва фан ходимлари қасаба ую-маси Марказий кўмитаси томонидан «Маъ-

• **Бугун** «Ўзқўргазмасавдо» кўрғазмалар залида «Мебель-2000» халқаро савдо кўрғазмаси ўз иштини бошлади.
• Тошкент Давлат юридик институтида «Миллий истиклол госяси: асосий тушуналар ва тамойиллар» рисоласини талаба ёшлар орасида тарғиб этишининг долзарб му-аммоларига бағишланган илмий-амалий ан-жуман ўтказилди.
• Ўзбекистон қасаба уюшмалари феде-рацияси кенгашининг катта залида Ўзбеки-стон таълим ва фан ходимлари қасаба ую-маси Марказий кўмитаси томонидан «Маъ-

• **Бугун** «Ўзқўргазмасавдо» кўрғазмалар залида «Мебель-2000» халқаро савдо кўрғазмаси ўз иштини бошлади.
• Тошкент Давлат юридик институтида «Миллий истиклол госяси: асосий тушуналар ва тамойиллар» рисоласини талаба ёшлар орасида тарғиб этишининг долзарб му-аммоларига бағишланган илмий-амалий ан-жуман ўтказилди.
• Ўзбекистон қасаба уюшмалари феде-рацияси кенгашининг катта залида Ўзбеки-стон таълим ва фан ходимлари қасаба ую-маси Марказий кўмитаси томонидан «Маъ-

• **Бугун** «Ўзқўргазмасавдо» кўрғазмалар залида «Мебель-2000» халқаро савдо кўрғазмаси ўз иштини бошлади.
• Тошкент Давлат юридик институтида «Миллий истиклол госяси: асосий тушуналар ва тамойиллар» рисоласини талаба ёшлар орасида тарғиб этишининг долзарб му-аммоларига бағишланган илмий-амалий ан-жуман ўтказилди.
• Ўзбекистон қасаба уюшмалари феде-рацияси кенгашининг катта залида Ўзбеки-стон таълим ва фан ходимлари қасаба ую-маси Марказий кўмитаси томонидан «Маъ-

ўтказди. Шунингдек таъкидлаб қилиш керакки, «қайтарилмаётган» гулларнинг яримдан зиёди мажбурий равишда кам таъминланган оилаларга йўналтирилади. Бу нарса сезиларли қўллаб-қувватлаш демакдир. Бундай далиллар албатта кишини қувонтиради, лекин...

Лекин, яна гап қарзини тўлама-ётган шахсларга қелиб тақалганда киши узоқ ўйланиб қолади... ран-жайди. **Юнусовдлик Х. Фуломованин қарзи қанча эканлигини биласизми? Билмасангиз, бил-ди қўйинг: унинг қарзи 106 минг 552 сўмга етди, Х. Расу-лованин қарзи эса қарийб 123 минг сўм, Х. Тўхтавинин қарзи 108 минг 158 сўм. Улар умумий қарзлари миқдори икки миллион сўмдан ошиб кетган 28 кишидан уч нафаридир, холос. Яққасарой туманида истикомат қилувчи йигирма икки кишининг қарзи икки миллионлик белгига озгина етмай қолди. Қарздорлик борасида юз минг сўмлик маррадан ўзиб келган Р. Галилов, С. Исроилов, О. Платов, У. Тиллаҳўжаева, И. Са-нақуллов, В. Баракиналардан зи-ноҳор ўрнак олман деган мас-лаҳатни берамиз.**

Барча камчиликларда фуқаро-ларнинг ўзини-ўзи бошқариш органиларини айблаш фикридан йироқдасиз. Лекин сабабсиз тўланмаётган қарзларни ундириб олиш жаъвинини фаоллаштириш албатта зарур деган фикрни ало-ҳид таъкидлаб ўтмоқчимиз. Чун-ки маҳалла — ота-онанг деганларидек, бу ерда қадимдан оилалар бир-бирларин билан дўст-аҳли бўлиб яшаганлар ва ҳар қандай муаммонинг очинини бир-галликда топганлар. Бинобарин, эндиликда аҳолининг ўзи фойда-ланган хизматлар учун ҳақларини вақтида тўламаслик муаммоси кўндаланг бўлган экан бундан қутулишинг ҳам йўларини бир-галликда қидиришимиз ва қарздор бўлиб қолишдек иллатдан албатта халос бўлишимиз керак.

Саид БОТИРОВ.

ҚАРЗИНГИЗИ НЕГА ТўЛАМАЙСИЗ?

тиб, фикрларимизни янги далиллар билан тўлдирмоқчимиз. Шаҳар коммунал фойдаланиш бирлашмаси 326 та маҳалла билан шартнома тузган бўлиб, уларнинг тартибда ҳақлар-ни тўлашда асосий бош оғриғига са-баб бўлаётган кўп қаватли хонадон-лар ҳам анчагина. Ушбу шартнома-дан кўзда тутилган мақсад ҳақ тўла-маслиги масаласини ҳал қилишга ёр-дам бериш ва энг муҳими кам таъ-минланган оилаларни қўллаб-қувват-лашдир. Ҳўш, бу борадаги ишлар амалда қандай кечяпти? Холсанан-лило айтадиган бўлсак, бу соҳадаги ишларнинг кетиши суст. Шайхонто-нур, Чилонзор, Юнусовд туманла-рида бу борадаги ишлар айниқса ёмон. Мирзо Улугбек, Миробод, Ҳам-за туманларидаги ишлар бироз яхши. Бу ўринда ўтиш даврининг, комму-

зиға уларга ёрдам қўрсатилаётгани-дан кўпчилигимиз хабардоримиз. Бу ўринда Мирзо Улугбек тумани ўз қўрсаткичлари бўйича олдинда бо-раётди. Нур-Фирдавсий, Амир Те-мур, Ҳамид Олимжон номидаги ма-ҳаллаларнинг аҳолиси маҳаллалари-нинг оксоқоллари М. Холмуродов, А. Ортиқбоев, Э. Абдуллаевлар билан фахрлансалар арийди. Бу маҳалла-ларда олиб борилаётган ишлар би-ринчидан катта миқдордаги қарзлар-дан тўлалигича қутулиш имконини берса, иккинчи томондан олиб қара-ганда аҳоли тўлаган ҳақлар 75 фо-изли қўрсаткичдан ошаётганлиги ҳам қувонарлидир. Демак, ўз-ўзидан Тошкент шаҳар худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси тўланган маблағдан тегишли равишда 20 ва 10 фоизини маҳаллалар ихтиёрига

Миллий истиқлол мафкуриси яратилар экан, халқимизга хизмат қилувчи, уларнинг ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини таъминловчи қатор қонунлар қабул қилинди ва айни пайтда ҳаётда бу қонунлар ўз ўрнида топил бормоқда. «Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини кафолатлаш, миллий анъаналар маданиятининг қайта тикланиши, инсоннинг шахс сифатида маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин», — деб ёзган эди Президентимиз Ислоом Каримов ўзининг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура» номли асариди.

Бизга инсонларнинг эҳтиёжини тўла қондириш учун мукамал қонунлар мажмуи керак эди, у ҳам бўлса қомусимиздир. Шундан кўриниб турибди-

Бу Конституция халқро жамоатчилик томонидан, жаҳондаги энг адолатли, мазмунан бой Конституция деб эътироф этилди. Чунки, бу қонунлар мажмуи тарихда синналган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган бўлиб, ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилганлиги билан ажралиб туради. Конституция халқимизнинг асрлар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт барпо этиш орусини рўёбга чиқарган, шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шакли ва маънавий қиёфасини кўрсатиб берган, инсоннинг манфаатларини ўзида мустақамлаган, уларни давлат манфаатларидан устун деб билган, ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлган, тинчлик ва барқарорлик тамойилларини белгилаб бер-

Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ ҚОМУС

ки, қабул қилган Конституциямизда инсон ҳаётининг иқтисодий, иجتимоий, маданий, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий жаҳдлари намоён бўлган. Аммо биринчи гада Конституцияда инсонларнинг манфаатлари тўла ҳимоя қилинади.

Дунёдаги барча давлатларнинг Конституцияларини олиб кўрадиган бўлсак, уларнинг асосий мақсади, мамлакат фуқароларининг иқтисодий, иجتимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади ва шу Конституция асосида олиб борилган ички ва ташқи сиёсати, фуқароларнинг турмуш тарзи юртининг миллий хусусиятларига мос бўлади.

ган асосий ҳуқуқий пойдевордир. Шу сифатларга кўра Конституцияни ҳар қанча улусасак, уни муқаддас ҳужжат сифатида ҳар қанча таърифласак арзийди.

Албатта Конституция қабул қилиш билан бирга иш битди, деб бўлмайди. Ҳамма гаг уни амалга ошириш, ҳаётга таъбиқ қилишдадир. Шунинг учун Конституциядаги маъжуд бўлим, боб, моддаларга Республикадаги барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслари ўз фаолиятларида қатъий амал қилишлари лозим.

Мазлумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг фалсафий гоялари жиҳатидан тарихий ҳужжатдир. Халқимизнинг неча авлодлари аввал чоризм, кейин қизил империя муҳитида яшади. Иқтисодийимиз қарам, ҳуқуқларимиз чекланган, миллий маънавиятимиз ва маданиятимиз инқирозга учраб, ҳар жиҳатдан мустақамла вазиятида яшадик. Бундай қийин ҳолатлардан бизни фақат мустақиллик кутқариши мумкин эди. Ниҳоят халқимизнинг асрий оруз-умидлари, интилиш—мақсадлари ушалди.

Юртимизда амалга оширилаётган миллий сиёсат демократия ва инсонпарварлик гоялари билан сугорилгандир. Бу эса, Ўзбекистонда тинчликни барқарорлаштириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, сиёсий партиялар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлидаги бирлигида ўз ифодасини топмоқда.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритди. Бу ўзбек халқига ўз келажagini ўзи белгилаш билан бирга, катта ва кенг имкониятлар йўлини очиб берди.

Биз биламизки, инсон эркин, мустақил шартнодагина ўзини бахтли ҳис қилади ва бор шахсий имкониятларини ўзи, оиласи, халқи, ватани учун тўла намоийш эти олади. Инсон эркин бўлиши учун шу йўлда давлатдан оидона ва адолатли муносабатни кутади. Ана шу муносабат унинг ҳаётига пойдевор бўлади.

Бугунги кунда миллий анъаналаримизни, тарихий ёдгорликларимизни келажак авлод учун сақлаб қолиш ва бойитиш, қадриятлар, урф-одатларни янада ривожлантиришда Конституцияимизнинг роли катталигини халқимиз яхши тушуниб эти ва шу қисқа вақт мобайлида у мамлакатимиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда ҳамда халқларимиз тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашда ўзини тўлалигига оқлай олди десак, ҳеч бир муболага бўлмайди.

1992 йил 8 декабрда Ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Мустақил давлатимизнинг Конституциясини олишимиз мумкин.

Кувонч КОДИРОВ,
Тошкент Давлат юридик
институтини бўлим бошлиғи.



Шахримиздаги «Юлдуз» акциядорлик жамиятининг суратда тасвирланган чеварлари қўлдан чикавган либослар харидорлиғи билан ажралиб туради. Сергей Любич олган суратлар.

Транспорт

МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистонда янги қабул қилинган «2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчи ташит транспортини ривожлантириш концепцияси» бўйича кенг қўламада ишлар олиб бориламоқда. Ана шу йўриқномада белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар йўловчи транспортни истиқболлари билан боғлиқ катта режалар ҳам ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Марказий Осиё минтақасида автомобиль ва йўллар комплексини ривожлантириш истиқболларига бағишланган халқаро илмий-техника конференцияси дастуридан бу каби долзарб ма-

салаларнинг ўрин олиши ҳам айни мўддоа бўлди. Анжуман бир шўбасида транспорт мажмуисининг иқтисодий ривожланиш истиқболлари масаласи атрафлича кўриб чиқилди. Тошкент шаҳар йўловчи ташит транспорт корхоналари Давлат уюшмаси томонидан кўрилатган техник тадбирлар билан боғлиқ маърузалар ҳам анжуманда яхши баҳо олди.

Шўба кун тартибидан ўрин олган «Давлатнинг маъмурий-худоий корхоналари бўйича энгил автомобилларга бўлган талабни ҳисоблаш усуллари», «Режалаштиришнинг инвестицион бизнеси», «Ўтиш иқтисодиёти шартнода автомобиль транспортини ислоҳ қилиш йўллари», «Ав-

Мусохаба

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга унинг раванки йўлида барча шарт-шароитларни яратишга катта эътибор қаратилган. Бу борада, яъни тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама мадад бериш ҳамда ҳимоя қилишда жойларда фаолият кўрсатаётган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарининг хизматлари сезиларли бўлмоғи лозим. Собир Раҳимов тумани Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси ШУҳРАТ ТУХТАЕВ билан суҳбатимиз бугунги кунда амалга оширилаётган юмушлар, туман тадбиркорларининг пойтахтимиз иқтисодиёти юксалишига қўшаётган ҳиссалари хусусида бўлди.

— Палатамизга ҳозирда 7254 нафар тадбиркор аъзодир, — дейди Шўҳрат Тўхтаев сўз бошлаб. — Республикаимиз Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 9 апрелдаги Фармони ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 27 май 1998 йил 232-сон қарорини бажариш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмамиз. Жорий йил бошида палатамиз ходимлари томонидан махсус дастур ишлаб чиқилиб, унда кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятлари, улар олдига турган муаммолар, баъзи бир камчиликлар аниқланиб, ана шуларни бартараф этиш чоралари юзасидан ёрдам кўрсатиш масаласи асосий ўринни эгаллаган. Дастур асосида олиб бораётган фаолиятимиз ўз самарасини бериб, тадбиркорларга қўлай шароитлар яратишда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муносиб ҳисса бўлмоқда.

— Тадбиркорларга кўрсатилган ёрдамни аниқ мисоллар орқали айта оласизми?

— Албатта. Тадбиркорларнинг молиявий-ҳужалик фаолиятларини назорат органлари томонидан текшириш даврида палата ҳуқуқшунос иштироки таъминланиб, 29 нафар тадбиркорлар фаолияти кўриб чиқилди. Шулардан «Континертранс» кўшма корхонаси, «Электротехнокомплект» хусусий фирмаси шартнома асосида аудитор текшириши қўлай ўтишига, 2 йил текширувлардан озод этилганига қарамай шаҳар давлат солиқ инспекцияси текшируви бўлиб, ушбу корхоналарнинг ҳуқуқлари поймол этилиб, катта пул

ҲАМИША ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

маблағлари жаримаси тўлашга мажбур этилганлиги аниқланди. «Раҳимжон Угли Рустам» ва «Харакат Фард» хусусий фирмалари текшириш даврида ликвидация ҳаракатида эканлиги маълум бўлди. Уларга туман палатаси раисига мурожаат этиб, фаолиятларини давом эттириш имкониятларига эришиш мумкинлиги кўрсатилиб, ёрдам берилди.

Тадбиркорларга корхоналари учун зарур бўлган хом ашёларга эҳтиёжини қондириш мақсадида Республика улғуржи савдо базалари билан шартномалар тузилиб, зарур хом ашёлар рўйхати «Савдо базаси»га тақдим этилди. «Орзу-Пластик» корхонаси ижара муаммоси билан мурожаат этган эди, палата аралашуви билан уларга ҳам катта ёрдам берилди.

Август ойида «Зебинисо-она» хусусий фирмаси бозорларда уларнинг ёриқлари билан сифати паст қандолат махсулотлари сотилаётгани ҳақида мурожаат қилди. Ушбу ҳолат бўйича палатамиз аралашуви билан хусусий фирма ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Палатамиз мутахассислари томонидан тадбиркорларга банкларнинг кредитлаш шартлари, зарур ҳужжатлар тўлами ҳақида турли ахборот-маслаҳатлар берилди. Тадбиркорни ижтимоий муҳофиза қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида стендар ташкил этилиб, туман солиқ инспекцияси, давлат банклари, статистика бўлими ҳамда тадбиркорлар йиғилидиган жойларга тарғибот учун жойлаштирилди.

— Пойтахтимиз иқтисодиёти ривожига маълум даражада ҳисса қўшаётган, сифатли ва рақобатбардор махсулотлар ишлаб чиқараётган ўрта ва кичик корхоналар, хусусий фирмалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Туманимизда ана шундай тадбиркорлар кўпчиликини ташкил этади. Йил давомида туманда, пойтахтимизда ва мамлакатимизда бўлиб ўтаётган кўрик-танлов ва кўргазмаларда ҳам бу ўз исботини топмоқда. Бунга туманда ўтказилган «Ташаббус-2000» танловининг ғолиблари — «Олмос текс» фирмаси ва ҳунарманд М. Юнусовларни мисол қилса бўлади. Улар шаҳар танловида ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

ОМИЛКОР БЎЛИШ ОСОНМИ?

— Тадбиркорлик йўлини туттиш, ана шундай номга ҳақиқий маънода сазовор бўлиш осонмас. Бунинг учун инсонда ўз кучига, билимига, чидамига ишонч бўлмоғи керак. Буни мен ўз тажрибамда синаб кўрдим. Аввало тадбиркор бўлмоқни истаган одам ўз олдига аниқ мақсад қўйиши зарур. Кейин эса ана шу мақсадга қандай эришиш мумкинлиги аниқ режалар асосида пухталанган.

Мен ҳам ўз фирмамни очибдан аввал республикамиз учун керакли, зарур махсулот ишлаб чиқаришни, унинг хориждан келтириладиганига нисбатан арзон, қўлай, шу билан бирга сифатли ҳас бўлишини ўз олдига мақсад қилиб қўйдим. Албатта бунга эришиш осон бўлмайди. Ўзим ҳисобчи-иктисодчи бўлганим учун кетадиган маблағни чамалаб кўрдим. Фирмаи очғач маблағ тўлаш ниятида 3 йилдан ортиқ олди-сотти билан шўғулландик. Етарли маблағ тўлангач эса асосий мақсадим — махсулот ишлаб чиқаришни бошлаб оқордик. Бу ўзимизнинг хом ашё — иккиламчи махсулотдан тайёрланган юв

риқлар билан қўшма корхона очиб, янада сифатли махсулот тайёрлаш, уни «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан четга чиқариш истагимиз.

Албатта, бу ишлар ўзидан бўлмайди. Бунинг учун бугун топаётган ҳар бир тийинимизни беҳудага сарфламаслик, кўп нарсалардан вақтинча бўлсада воз кечиш керак. Мен ўзим «Тадбиркор аёл» уюшмасининг аъзосиман. Бизнес инкубатор ҳамда «Химоя» ҳуқуқий ўқув марказида ўзимнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимларимни оширдим.

Минбар

ки табиий, инсон соғлиғига зарари йўқ, экологик тоза ўт-ўланлардан фойдаланамиз.

Аҳолига қўлай бўлишини инобатга олиб, махсулотларимизни турли граммларда целлофан кути ҳамда пластмасса идишларда сотувага чиқараймиз. Республикаимиздаги қўллаб савдо шохбчалари билан шартномалар тузганмиз. Шунингдек, келгусида ўзимизнинг фирма дўконимизни очишни режаланганмиз. Греция, Исроил давлатлари билан ҳамкорлигимиз ривожланиб бормоқда. Келгусида ше-

Хозирча натижа ёмон эмас, изланишларим ўз самарасини бермоқда. «Ташаббус-2000» кўрик-танловида туманда «Энг яхши тадбиркор», шаҳарда эса «Энг яхши тадбиркор аёл» номига сазовор бўлдим. Бу менинг тинмай қилган ҳаракатларим, изланишларим, бедор тунигим ва югур-югур кунларимнинг натижасидир. Мақсадим яхши ният билан элим, юртим, яъни мустақил Ўзбекистоним иқтисодиёти раванкига ҳисса қўшадиган ҳақиқий тадбиркорлардан бири бўлишим.



ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРИ

Суратли ахборот

МАЗАЛИ ВА ТҶИМЛИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Паста-Камол» кўшма корхонаси бундан бир йил аввал «Лихтенштейн князлиги» билан ҳамкорликда ташкил этилган эди. Бугун ушбу корхона махсулотларидан нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки ҳамдўстлик давлатларидаги харидорлар ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирда жамоанинг 8 аъзоси Италиядан келтирилган замонавий линияда самарадорлик билан ишлаб кунига мазали махсулот — картошқадан тайёрланган чипсларни 70, 100 грамм миқдорда беҳирим идишларда қадоқлаб, харидорларга етказиб бермоқда. Корхонада айни кунларда 4 хил турдаги картошқа чипслари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Ўзимизнинг хом ашёдан сифатли ва рақобатбардор махсулот ишлаб чиқариш ҳамда унинг бир қисмини хорижга жўнатишни ҳам ният қилган эдик, — дейди кўшма корхона директорининг ўринбосари Забиҳилла Абдуллоев. — Мана қилинган меҳнатимиз бугун

Хуқуқ

ҲИМОЯ КИТОБИ

Шаҳар адлия бошқармасининг 2000 йил 28 мартдаги 31-сонли буйруғи билан тадбиркорларни мансабдор шахсларнинг турли тазйиқлари ва суиистеъмолликлардан ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими ташкил қилинди. Ушбу бўлимнинг бош мутахассиси Қаҳҳор СИДИҚОВ тадбиркорларга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида куйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакриқ иккинчи сессиясида қабул қилинган «Тадбиркорлик эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қўнига кўра тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари батафсил баён этилган. Жумладан, Қўнининг 34-моддасида қайд қилингандек, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашушга ҳақли эмаслиги, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қандайдир мажбурият тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятига аралашуш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас, деб кўрсатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ноқонуний ва асосиз текширишлардан ҳимоя қилиш ва бошқа салбий ҳолатларни назарда тутган ҳолда шаҳар давлат солиқ бошқармаси ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан узвий ҳамкорликда тадбиркорларга 17.000 дан ортиқ Адлия вазирлиғи томонидан жорий қилинган «Текширишларни рўйхатда олиш китоби» тарқатилди.

«Текширишларни рўйхатда олиш китоби» жорий қилингандан сўнг ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва назорат қилиш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилган савий-ҳаракатлар натижасида 2000 йилнинг биринчи чорагида Мувофиқлаштирувчи кенгашининг розилигисиз 1536 та текширув ўтказилган бўлса, 2000 йилнинг қолган чоракларида кескин қайтарилди.

— Ушбу кунга қадар 45 нафар тадбиркор «Химоя» марказида бепул турли солиқлар ва ҳуқуқий масалалар юзасидан ўз малакаларини оширишга эришдилар. Бу иш яна давом эттирилади. Шунинг билан биргаликда ҳуқуқий ҳамда турли солиқларга оид бўлган масалаларни ўз ичига олган «Норма» дастури сотиб олинди, ҳозирда уни тадбиркорларга қўллаш сифатида тарқатиш устида иш олиб бориламоқда. Яна кўпгина қўлланамалар, яъни кредит ва микрокредитларни олиш ҳамда қайтариш ҳақидаги йўриқнома бепул тарқатилди. 500 дан ортиқ тадбиркорга «Хуқуқий юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатда олиш китоби» берилди ва бу иш давом эттирилади.



Мақоаларни Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади.

